БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 108 (599)

3 ИЮНЬ ЯКШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советида

I.

Халқ хўжалигининг бирқанча тармоқларига қарашли корхоналарни иттифоқчи республикалар қарамоғига топшириш ва шу муносабат билан ташкилий тадбирлар ўтказиш тўғрисида

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX съездининг қарорларига асосланиб, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети халқ хўжалигини бошқаришда иттифоқчи республикаларнинг ролини янада кучайтириш соҳасида қўшимча тадбирларни амалга оширишни зарур деб топдилар. Иттифоқчи республикалар экономикасини ривожлантиришда эришилган даража ҳамда республикаларда тажрибали раҳбар ва инженер-техник ходим кадрларнинг борлиги СССР халқ хўжалигининг бирқанча тармоқларига қарашли корхоналарни иттифоқчи республикалар қарамоғига қўшимча равишда топшириш имкониятини беради, бу эса, корхоналарни янада оператив равишда бошқаришга, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқ учун мавжуд ресурслардан яхшироқ фойдаланишга ҳамда халқ хўжалигининг шу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондиришга ёрдам беради.

Шу мақсад билан КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети **қарор қилдилар:**

1. Ҳозирги вақтда СССРнинг Озиқ-овқат товарлари саноати, Гўшт ва сут маҳсулотлари саноати, Балиқ саноати, Тайёрлаш, Енгил саноат, Тўқимачилик саноати, Биноқорлик материаллари саноати, Қоғоз ва ёғочсозлик саноати, Автомобиль транспорти ва тош йўллар, Дарё флоти, Соғлиқни сақлаш министрликларига бевосита қарашли бўлган корхоналар ва ташкилотлар, шунингдек чакана савдо шохобчалари ва умумий овқатланиш корхоналари иттифоқчи республикалар қарамоғига топширилсин.

Цемент, шифер, асбест, слюда, целлюлоза-қоғоз ва гидролиз-спирт саноатларининг, сунъий тола, сунъий тери ва техника тўқималари саноатларининг корхоналари, енгил саноат, озиқ-овқат саноати ҳамда гўшт ва сут саноати учун машиналар ва уларга керакли деталлар ишлаб чиқарадиган корхоналар, шунингдек медицина саноати корхоналари СССРнинг тегишли иттифоқ-республика министрликларининг бевосита қарамоғида қолдирилсин.

2. СССР министрликларининг корхоналари ва ташкилотлари иттифоқчи республикалар қарамоғига топширилиши сабабли, қуйидагиларни амалга ошириш зарур деб ҳисобланисин:

а) СССР Енгил саноат министрлиги билан СССР Тўқимачилик саноати министрлиги битта министрлик қилиб — СССР Енгил саноат министрлиги қилиб бирлаштирилсин;

б) Умумиттифоқ Тайёрлаш министрлиги иттифоқ-республика СССР Ғалла маҳсулотлари министрлиги қилиниб қайта тузилсин;

в) СССР Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги тугатилсин ва шу Министрликнинг Главдорстрой базасида СССР Министрлар Совети ҳузурида автомобиль йўллари қурилиши Бош бошқармаси (СССР Главдорстрой) барпо қилинсин;

г) СССР Дарё флоти министрлиги тугатилсин, дарё флоти ишларига раҳбарлик қилмоқ учун эса РСФСРда республика Дарё флоти министрлиги тузилсин, бошқа иттифоқчи республикаларда эса, зарур бўлган тақдирда, иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари ҳузурида тегишли бошқармалар тузилсин;

д) СССР Озиқ-овқат товарлари саноати министрлигининг, СССР Гўшт ва сут маҳсулотлари саноати министрлигининг, СССР Балиқ саноати министрлигининг, СССР Совхозлар Министрлигининг, СССР Биноқорлик материаллари саноати министрлигининг, СССР Қоғоз ва ёғочсозлик саноати министрлигининг, СССР Савдо министрлигининг ва СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг бевосита қарамоғида бўлган корхоналар ва ташкилотлар иттифоқчи республикалар қарамоғига топширилганлиги сабабли, шу министрликларнинг структурасига ва штатларига ўзгартишлар киритилсин.

СССР Енгил саноат министрлиги билан СССР Тўқимачилик саноати министрлиги бирлаштирилганда, иттифоқчи республикаларда, зарурият бўлмаса, шу министрликлар бирлаштирилмаслиги лозим.

Шу модданинг «А», «Б», «В», ва «Г» бандларида кўзда тутилган масалалар бўйича тегишли Фармонларнинг проектлари СССР Олий Совети Президиуми қарамоғига киритилсин.

3. Белгиланиб қўйилсинки, 2- моддада кўрсатилган министрликлар халқ хўжалигининг тегишли тармоқларидаги аҳвол учун ва бу тармоқларнинг ривожланиши учун жавобгар бўладилар ва қуйидаги вазифаларни бажариб турадилар: давлат халқ хўжалик планига мувофиқ, ишлаб чиқариш, капитал қурилиш ва молия ишларига доир план топшириқларини белгилаб турадилар, республика министрликларига шу топшириқларни бажаришда ёрдам кўрсатиб турадилар, давлат планининг бажарилиши устидан контроль қилиб турадилар, ускуналар ва материаллар билан таъминлаб турадилар, техника сиёсатининг умумий масалаларини ҳамда янги корхоналарнинг проектларини тузишнинг умумий масалаларини ишлаб берадилар, шунингдек фан ва техниканинг энг янги муваффақиятларини ва илғор тажрибаларни жорий қилишга доир зарур тадбирларни амалга ошириб турадилар.

4. СССР Озиқ-овқат товарлари саноати министрига, СССР Гўшт ва сут маҳсулотлари саноати министрига, СССР Балиқ саноати министрига, СССР Совхозлар министрига, СССР Енгил саноати министрига, СССР Ғалла маҳсулотлари министрига, СССР Қурилиш материаллари саноати министрига, СССР Қоғоз ва ёғочсозлик саноати министрига, СССР Савдо министрига, СССР Соғлиқни сақлаш министрига министрликлар тўғрисидаги Низомларнинг проектларини иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари билан келишиб ишлаб чиқиш ва ҳар қайси министрликка доир шу Низом проектини бир ой муддат ичида СССР Министрлар Советига тақдим этиш топширилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, 1- моддада санаб ўтилган СССР министрликларининг корхоналари ва ташкилотлари қайси иттифоқчи республика территориясида бўлса, шу иттифоқчи республика қарамоғига топширилади.

Корхоналар ва ташкилотлар 1956 йил 1 январдаги ҳолатига мувофиқ, уларда бўлган барча товар-материаллар, ускуналар, транспорт, оборот маблағлари билан биргаликда, шунингдек давлат планига мувофиқ ишлаб чиқариш, капитал қурилиш, меҳнат ва таннархига доир олган топшириқлари, ишлаб чиқариш кооперацияси тартибида маҳсулот етказиб бериш соҳасидаги мажбуриятлари, шунингдек топширилаётган корхоналарга ва ташкилотларга 1956 йил учун ажратилган материаллар, машиналар ва ускуналар олишга доир фондлари билан биргаликда топширилади.

6. СССР министрликлари ва бошқармалари ҳамда иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари иттифоқчи республикалар қарамоғига топширилаётган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар бўйича белгиланган планларга ва тузилган шартномаларга мувофиқ қурилиш, проектлаш ва илмий-текшириш ишлари соҳасидаги ўзаро мажбуриятларининг бажарилишини таъминласинлар.

7. Иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советларига иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари ҳал қилиши лозим бўлган хўжалик ва маданий қурилиш масалаларидоирасини янада кенгайтириш тўғрисидаги, шунингдек иттифоқчи республикалар министрларининг ҳуқуқларини кенгайтириш тўғрисидаги таклифларини СССР Министрлар Советига тақдим этиш топширилсин.

8. СССР Озиқ-овқат товарлари саноати, министри, СССР Гўшт ва сут маҳсулотлари саноати министри, СССР Балиқ саноати министри, СССР Совхозлар министри, СССР Енгил саноат министри, СССР Ғалла маҳсулотлари министри, СССР Биноқорлик саноати министри, СССР Қоғоз ва ёғочсозлик саноати министри, СССР Савдо министри, СССР Соғлиқни сақлаш министри, шунингдек РСФСР Министрлар Совети ва ВЦСПС тегишли министрликларнинг марказий аппаратидан бўшайдиган ҳар бир ходимни асосан бевосита ишлаб чиқаришдаги ишга юборишни назарда тутиб, шу ходимларнинг ҳар қайсисини шахсан ишга жойлаштиришни таъминласинлар.

БПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1954 йил 14 октябрдаги 2150- сонли Қарорининг 5- моддасида кўзда тутилган компенсациялар ва имтиёзлар мазкур ходимларни бошқа жойдаги ишлаб чиқаришда бўлган ишга кўчиришда шу ходимларга жорий қилинсин.

9. Иттифоқчи республикалар компартияларининг Марказий Комитетлари ва Министрлар Советлари иттифоқчи республикалардаги тегишли министрликларни, шунингдек республикалар Госпланларини малакали мутахассис кадрлар билан мустаҳкамласинлар ҳамда иттифоқчи республикалар қарамоғига топширилаётган корхоналар ва ташкилотларга қилинадиган раҳбарликни яхшилашни таъминласинлар.

II.

СССР Юстиция министрлигини тугатиш тўғрисида

Иттифоқчи республикалар суд муассасаларининг юстиция органларининг ишларига раҳбарлик қилишдаги ортиқча марказлаштиришни тугатиш ҳамда бу ишда иттифоқчи республикаларнинг ролини кучайтириш мақсадида КПСС Марказий Комитета ва СССР Министрлар Совети **қарор қилдилар:**

1. СССР Юстиция министрлигини тугатиб, иттифоқчи республикалардаги суд муассасаларининг ҳамда юстиция органларининг ишларига унинг раҳбарлик қилиш соҳасидаги вазифаларни иттифоқчи республикаларнинг Юстиция министрликларига юклатиш зарур деб топилсин.

Бу масалага доир Фармон проекти СССР Олий Совети Президиумининг қарамоғига киритилсин.

2. СССР Министрлар Совети ҳузурида Юридик Комиссия тузилсин ва унга СССР қонунларини кодификациялаш ва системага солиш ишлари, Ҳукумат топшириқларига биноан, СССР Министрлар Совети томонидан киритиладиган қонун актлари проектларини ва Ҳукуматнинг норматив характердаги масалаларга доир қарорларини ишлаб чиқиш ва дастлабки тартибда кўриб чиқиш ишлари юклатилсин.

1956 йил, 30 май.

СССР Олий Совети Президиумида

СССР Олий Совети Президиуми КПСС Марказий Комитетининг ва СССР Министрлар Советининг тақдимига биноан, қуйидаги Фармонларни қабул қилди:

1. СССР Енгил саноат министрлиги билан СССР Тўқимачилик саноати министрлигини битта иттифоқ-республика министрлиги — СССР Енгил саноат министрлиги қилиб бирлаштириш тўғрисида.

2. Умумиттифоқ СССР Тайёрлаш министрлигини иттифоқ-республика СССР Ғалла маҳсулотлари министрлиги қилиб қайта тузиш тўғрисида.

3. СССР Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлигини тугатиш ҳамда унинг корхоналарини ва ташкилотларини тегишли иттифоқчи республикалар қарамоғига топшириш тўғрисида.

4. Умумиттифоқ Дарё флоти министрлигини тугатиш ҳамда унинг корхоналарини ва ташкилотларини тегишли иттифоқчи республикалар қарамоғига топшириш тўғрисида.

5. СССР Юстиция министрлигини тугатиб, иттифоқчи республикалар суд муассасаларининг ҳамда юстиция органларининг ишларига раҳбарлик қилиш соҳасидаги вазифаларини иттифоқчи республикаларнинг Юстиция министрликларига юклаш тўғрисида.

1956 йил, 31 май.

ТЕЛЕГРАММА

Италия Республикасининг Президенти Жованни Гронки жаноб Олийларига

РИМ.

Президент жаноблари, Республика эълон қилинган куннинг ўн йиллиги каби Италия учун муҳим бўлган кунда Сизга ва итальян халқига Совет Иттифоқи халқлари, СССР Олий Совети Президиуми номидан ва шахсан ўз номимдан чин қалбдан самимий табрикларимизни ва энг яхши истакларимизни йўллашга ижозат бергайсиз.

СССР Олий Совети Президиуми қаттиқ ишонч билдириб айтадики, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Италия Республикаси ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланиши ва ривожланиши халқаро кескинликнинг янада юмшашига ҳамда бутун дунёда тинчликнинг эффективлиги равишда мустаҳкамланишига ёрдам беради, бу эса барча тинчликсевар халқларнинг орзуларига тўла даражада жавоб беради.

К. ВОРОШИЛОВ,

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси.

Москва,

1956 йил, 1 июнь.

Совет-Югославия дўстлигининг ёркин намойиши

Юз минглаб москваликлар Югославия Федератив Халқ Республикаси Президенти ўртоқ Иосип Броз Титони табрикладилар

Югославия Федератив Халқ Республикасининг Президенти маршал Иосип Броз Тито Совет ҳукуматининг таклифига биноан, расмий визит билан 2 июнда СССР пойтахтига келди. Москванинг Киев вокзалида туташган кўчаларда ва майдонларда одам жуда кўп бўлди. Вокзал олдида шаҳар аҳолисидан ўнг минглаб киши тўпланди.

Кўчалардаги қизил алвонларга рус ва серб тилларида: «Югославия Федератив Халқ Республикасининг Президенти ўртоқ Титога қизғин салом!», «Добро дошли!— Хуш келибсиз!», «Яшасин Совет Иттифоқи ва Югославия халқлари ўртасидаги бузилмас қардошларча дўстлик ва ҳамкорлик!», «Социализм қураётган Югославия Федератив Халқ Республикаси халқларига қардошлик саломи!» деган сўзлар ёзилган.

Киев вокзали олдидаги майдон халқ билан лиқ тўлган. Бу ерга тўпланган ишчилар, хизматчилар, студентлар, Совет Армиясининг солдатлари ва офицерлари, илмий ходимлар, ўқитувчилар, врачлар, инженерлар қардош Югославия халқлари вакилларини табрикламоқ учун келганлар.

Югославия Федератив Халқ Республикаси Президенти Броз Титони кутиб олмоқ учун СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов ҳамда Н. А. Булганин, Л. М. Каганович, А. И. Кириченко, Г. М. Маленков, А. И. Микоян, В. М. Молотов, М. Г. Первухин, М. З. Сабуров, М. А. Суслов, Н. С. Хрушчев, Л. И. Брежнев, Д. Т. Шепилов, Е. А. Фурцева, Н. М. Шверник, А. Б. Аристов ўртоқлар, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. В. Мацкевич, СССР ва РСФСР Министрлари, Совет Иттифоқи Маршаллари, адмираллар, генераллар, СССР Олий Советининг ва РСФСР Олий Советининг депутатлари, КПСС Марказий Комитети аъзолари, жамоат ташкилотларининг вакиллари, фан, маданият, матбуот арбоблари Киев вокзалига келдилар.

Вокзалда Югославия Федератив Халқ Республикасининг СССРдаги Элчихонасининг дипломатик состави, шунингдек Москвадаги чет эл элчихоналари ва миссияларининг бошлиқлари, ҳарбий, ҳарбий-денгиз ва ҳарбий-ҳаво атташелари ҳозир бўлдилар.

Вокзал байрам гусида безатилган. Югославия Федератив Халқ Республикасининг ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари ҳилпирамоқда. Москва гарнизонининг фахрий қоровули перронда саф тортиб турибди.

Поезд перрон олдида тўхтайди. Президент Иосип Броз Тито вагондан чиқиши билан уни гулдурос қарсаклар чалиб кутиб оладилар. Президент билан биргликда унинг рафиқаси, Иттифоқ ижроия вечеси раисининг ўринбосари Эдвард Кардель (рафиқаси билан), ташқи ишлар давлат секретари Коча Попович (рафиқаси билан), Иттифоқ ижроия вечесининг аъзоси Миялко Тодорович, Хорватия Халқ Республикаси Ижроия вечесининг раиси Яков Блажевич, республика Президентининг бош секретари Пожe Вильфан, ички ишлар давлат секретарининг ўринбосари Джуро Станкович, Иттифоқ ижроия вечеси раиси ўринбосари кабинетининг бошлиғи Антон Братуша, республика Президентининг протокол бошлиғи Словен Смодлака, олий бош қўмондон кабинетининг бошлиғи генерал-подполковник Милош Шимоня, Президентнинг бош адъютанти Милан Женель, Иттифоқ иқтисодий планлаш бошқармаси директорининг ўринбосари Никола Чобелич ва Президентнинг бошқа ҳамроҳлари ҳам келдилар.

Маршал Тито билан биргликда Югославия Федератив Халқ Республикасининг СССРдаги Элчиси Велько Мичунович ва СССРнинг Югославия Федератив Халқ Республикасидаги Элчиси Н. П. Фирюбин, шунингдек бир группа югослав журналистлари ҳам келдилар. СССР Олий Совети Президиумининг секретари Н. М. Пегов, СССР Ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, армия генерали А. И. Антонов, генерал-майор Н. С. Захаров, ВЦСПС секретари П. Н. Коробова, СССР Олий Совети Президиумининг Протокол бошлиғи Г. И. Фомин, СССР Ташқи ишлар министрлиги 5- Европа бўлими мудирининг вазифасини бажарувчи К. Д. Левичкин ва бошқалар Президентга совет чегарасидан ҳамроҳ бўлиб келдилар.

Партия ва Ҳукумат раҳбарлари Президент Броз Тито билан ва югославиялик бошқа ўртоқлар билан дўстона саломлашадилар. Меҳмонлар олдига пионерлар югуриб келиб, уларга гуллар тақдим қиладилар. Фахрий қоровул бошлиғи майор Старостин Югославия Федератив Халқ Республикаси Президентига рапорт беради. Югославия ва Совет Иттифоқи давлат гимндари вокзалда улуғвор бўлиб янграйди. Иосип Броз Тито ва К. Е. Ворошилов саф тортиб турган фахрий қоровул олдидан ўтадилар.

Сўнгра, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов қуйидаги нутқни сўзлайди:

Ўртоқ К. Е. Ворошилов нутқи

«Азиз ўртоқ Президент! Азиз ўртоқлар!

Сизни ва Югославиянинг раҳбар арбоблари бўлган Сизнинг ҳамроҳларингизни Ватанимиз пойтахти Москвада СССР Олий Совети Президиуми, Совет ҳукумати, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети номидан ва шахсан ўз номимдан қизғин табриклайман. Совет халқи Сиз ўртоқ Тито орқали дўстона Югославияни ва мамлакатингиз халқларини табриклайди, мамлакатингиз халқлари билан Совет Иттифоқи меҳнаткашлари ўртасида мустаҳкам қардошларча дўстлик давом этиб келмоқда.

Бундан бир йил муқаддам Совет Иттифоқи ва Югославия Федератив Халқ Республикасининг ҳукумат делегациялари ўртасида Белградда олиб борилган музокаралар натижасида катта халқаро аҳамиятга эга бўлган машҳур Декларация имзоланган эди. Бу Декларация ҳар иккала мамлакатимизнинг дўстона муносабатларни ва ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга интилаётганликларини ёркин ифодалаб берди.

Биз, бу Декларациянинг муваффақият билан бажарилаётганлигини хурсанд бўлиб қайд қилмоқдамиз, буни иқтисодий ва савдо масалаларига доир, давлатларимиз ўртасида илмий-техника ва маданий ҳамкорликка доир бир қанча битимлар тузилганлиги кўрсатиб турибди.

Мана шуларнинг ҳаммаси қайта тикланган дўстона алоқалар ўзининг самарали натижаларини бераётганлигини ҳеч шубҳасиз кўрсатмоқда, бу натижаларни Совет Иттифоқи ва Югославия халқлари катта мамнуният билан қабул қилмоқдалар.

Айни вақтда турмуш социалистик мамлакатларимизнинг манфаатлари йўлида Совет Иттифоқи билан Югославиянинг дўстона муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашни ғоят зарур иш қилиб қўймоқда. Биз ҳаммамиз шуни яхши тушунамизки, бу дўстлик бундан бўён ҳам барча халқлар ўртасидаги тинч ҳамкорликнинг, халқларнинг бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш учун олиб бораётган курашининг энг муҳим факторларидан бири бўлади.

Азиз ўртоқ Президент, Сизнинг Совет Иттифоқига келишингиз Совет Иттифоқи билан Югославия ўртасидаги самимий дўстликни мустаҳкамлашга, халқларимиз ўртасида сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни янада кўпроқ кенгайтириш ишига янги катта ҳисса бўлиб қўшилади, актуал халқаро проблемаларни тинчлик ва одамларнинг бахти манфаатларини кўзлаб ҳал қилишда Совет-Югославия ҳамкорлигини янада кўпроқ активлаштиришга олиб келади, деб ишонч билдиришга ижозат берингиз».

Ўртоқ К. Е. Ворошилов нутқининг охирги сўзлари гулдурос қарсаклар билан кутиб олинди. Югославия Федератив Халқ Республикаси Президенти Иосип Броз Тито микрофон олдига келади.

Ўртоқ Иосип Броз Тито нутқи

Азиз ўртоқлар—раҳбарлар ва граждан-лар!

Биз, Москвага халқларимизнинг Совет Иттифоқи халқларига юборган самимий табриклари ва энг яхши истаклари билан келдик.

Шу жойдан туриб мен ўртоқларим ва шахсан ўз номимдан Москва гражданларини ҳам қизғин табриклайман.

Сизларнинг раҳбарларингиз таклифига биноан, биз Сизларнинг улуғ ва гўзал мамлакатингизга келиш имкониятига эга бўлганлигимиз учун ва улуғ ҳамда бахтли келажагингизни рўёбга чиқаришда Совет Иттифоқи меҳнаткашларининг ижодий муваффақиятлари билан бу ерда танишамиз деган ниятимизга етганлигимиз учун хурсандмиз. Югославия халқлари сизларнинг социализм қуриш ишида сарф қилаётган куч ва ғайратингиз мумкин қадар яхшироқ ижобий натижалар беришини ҳамиша қизғин истаб келганликларига сизларни ишонтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ деб ўйлайман. Улар сизларнинг ҳар бир муваффақиятингизга қувониб турдилар ва улар улуғ йўлимизда сизларга дуч келган ҳар бир қийинчиликка ва тўсқинликка ҳафа бўлиб турдилар. Мамлакатимиз халқлари сизларнинг Улуғ Октябрь революцияси вақтида ҳам, шунингдек шу революциядан кейин, айниқса иккинчи жаҳон уруши вақтида, биларнинг умумий душманларимиз бўлган фашист босқинчиларга қарши курашда кўрган қулфатларингизга ва берган қурбонларингизга ҳамдард бўлиб турдилар. Биз иккинчи жаҳон уруши тамом бўлганидан кейин ҳам, айниқса фашист агрессорлар вайрон қилиб кетган қишлоқларни ва шаҳарларни қайта тиклаш ишида сизлар сарфлаган куч ва ғайратга ҳамда сизларга муқаррар дуч келган ҳамма қийинчиликларга чуқур хайрихоҳлик билан қараб келдик.

Бизнинг халқларимиз мана шуларнинг ҳаммасини юксак даражада қадрлайдилар ва тушунадилар, чунки бизнинг эски ва янги тарихимиз ҳам оғир ва қонли тарих бўлди. Бизнинг мамлакатимиз ҳам шу каби машаққатли йўлни босиб ўтди. Тарих давомида халқларимизни қул қилиб олишни ёки тинч турмушимизни бузишни истаган умумий душманларга қарши умумий курашда берилган қонли қурбонлар ва қон билан мустаҳкамланган алоқалар орқали бир-биримиз билан айниқса кўп боғланиб келдик. 1941 йилдан бошлаб то уруш охиригача халқларимизнинг умумий душманга қарши биргаликда олиб борган кураши шу муқаррар ҳақиқатни кўрсатиб турибдики, биларнинг тақдиримизни бир-биридан ажратиб бўлмайди ва бир-биримизни қадрлашга ва ҳурматлашга арзийдиган ишларимиз бор.

Лекин шундай бўлса ҳам қулоқ эшитмаган фожиона шундай бир ҳодиса рўй бердики, бунга Югославия халқлари ҳам, Совет Иттифоқи халқлари ҳам айбли эмас эди.

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА)

1956 йилги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг ва Бутуниттифоқ саноат виставкасининг очилиши тўғрисида

1956 йилги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси ва унинг территориясида жойлашган Бутуниттифоқ саноат виставкаси тамошабинларнинг кириши учун 4 июнда очилади.

Виставкалар ҳар куни соат 11 дан соат 23 гача, павильонлар эса, соат 20 гача ишлайди.

Якшанба ва байрам кунларида виставкалар соат 9 дан очилади. Билетлар Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг кассаларида сотилади. (ТАСС).

Суратда: Ўзбекистон павильонида.

И. Глауберзон фотоси.

Совет-Югославия дўстлигининг ёрқин намойиши

Ўртоқ Иосип Броз Тито нутқининг охири

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Бизга оғир бўлган эди, лекин бизни ажратиб турган нарсаларнинг ҳаммаси бартараф қилинадиган ва бизнинг дўстлигимиз янги, мустаҳкам заминга эга бўладиган пайт келишига ишонар эдик. Совет Иттифоқи Ҳукуматининг ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ленинча сиёсати туфайли шундай пайт келди. Эндиликда бўлиб ўтган ишларнинг ҳаммаси орқада қолиб кетди. Хрушчев, Булганин, Микоян ва бошқа ўртоқларнинг Белградга борганликлари, улар билан қилинган суҳбатлар ва шу муносабат билан қабул қилинган Декларация, сўзгра эса, Совет Иттифоқи коллектив раҳбарлигининг ҳам шижоатли, ҳам узоқни кўрадиган ташқи сиёсати ўз ҳаётини улуғ мутафаккирлар — Маркс, Энгельс ва Ленин принциплари асосида қураётган мамлакатлар ўртасида ўтмишда бўлгани каби ҳолларнинг бундан буён асло содир бўлмаслиги учун гарантиядирки, мен бунга жуда аминман.

Мен шу нарсага чуқур ишонаманки, ҳар иккала мамлакатимиз ўртасидаги муносабатлар ва дўстликнинг шундай тарзда ривожланиб бораётганлиги жаҳондаги осойишталикка қўшилган катта ҳиссагина бўлиб қолмасдан, шу билан бирга халқаро муносабатларни тўғри ривожлантиришга ҳам қўшилган бой ҳиссадир, халқаро ишчилар ҳаракатининг ва умуман прогрессив ҳаракатнинг бундан буён ривожланиши учун далда ва босқичдир.

Азиз ўртоқлар ва гражданлар!

Биз сизларнинг мамлакатингизга ҳар иккала мамлакатимиз ўртасида бундан буёнги муносабатларга таллуқли бўлган кўпгина проблемалар устидагина эмас, шу билан бирга халқаро характердаги масалалар устида, ҳозирги вақтда дунёни ҳаммадан кўра кўпроқ ташвишга солаётган, яъни тинчликни мустаҳкамлаш ва сақлаб қолиш ҳамда халқлар ўртасида ҳар томонлама тинч ҳамкорлик ўрнатиш масалалари устида сизларнинг раҳбарларингиз билан суҳбатлашмоқ ва фикрлашмоқ учун келдик. Мен ишонаманки, бизнинг бу келишимиз Совет Иттифоқи билан Югославия ўртасидаги ишончни кучайтиришгагина эмас, шу билан бирга халқаро миқёсдаги ишончни кучайтиришга ҳам янада кўпроқ ёрдам беради. Шундай қилиб, бизнинг бу сафаримиз жаҳондаги давлатлар ва халқлар ўртасида тинч-тотув яшаш перспективаларини янада кўпроқ кучайтиради.

Яшасин улуғ Совет Иттифоқи!

Яшасин Совет Иттифоқи ва Югославия халқларининг дўстлиги!

Маршал Броз Тито нутқидан кейин яна қизғин қарсаклар бошланиб кетади.

Югославиялик меҳмонлар, Совет ҳукумати ва Коммунистик партия раҳбарлари Киев вокзали олдидаги майдонга чиқиб автомашиналарга ўтирадилар. Улар тушган машиналар майдондан аста-секин ўтади. Майдонда тўпланган меҳнаткашлар Югославия Федератив Халқ Республикаси ва СССРнинг раҳбар арбобларини қутлаб қарсаклар чаладилар.

Югославия Федератив Халқ Республикаси Президенти Иосип Броз Титога ажратилган резиденцияга борадиган йўлларнинг ҳаммасида уни ҳамда партия ва СССР ҳукумати раҳбарларини юз минглаб москваликлар қизғин табриклаб турдилар. (ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ РАИСИ К. Е. ВОРОШИЛОВ ЮГОСЛАВИЯ ФЕДЕРАТИВ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИОСИП БРОЗ ТИТОНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

2 июнда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов Югославия Федератив Халқ Республикасининг Президенти Иосип Броз Титони қабул қилди.

Иттифоқ ижроия вечеси раисининг ўринбосари Эдвард Кардель, ташқи ишлар давлат секретари Коча Попович, Иттифоқ ижроия вечесининг аъзоси Миялко Тодорович, Хорватия Халқ Республикаси Ижроия вечесининг раиси Яков Блажевич, Югославия Федератив Халқ Республикасининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Велько Мичунович И. Броз Титога ҳамроҳ бўлиб келдилар.

Қабул маросими вақтида К. Е. Ворошилов билан И. Броз Тито дўстона самимий суҳбатлашдилар.

Қабул маросимида совет томонидан СССР Ташқи Ишлар Министри Д. Т. Шепилов, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. М. Пегов, Совет Иттифоқининг Югославия Федератив Халқ Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Н. П. Фирюбин, СССР Олий Совети Президиумининг Протокол бошлиғи Г. И. Фомин ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

Биринчи экскурсиячилар виставкага жўнаб кетдилар

Яқинда Москвага, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиқ виставкасига областимиз колхоз чорвадорларидан 26 киши экскурсияга жўнаб кетди. Экскурсиячилар орасида 1955 йилда колхоз жамоат чорвачилигини ривожлантириш, унинг маҳсулдорлигини ошириш, шунингдек чорвачилик моддий-техника базасини мустаҳкамлашда катта ютуқларга эришган илғорлар бор. Улар орасида Янгийўл районидаги Свердлов номли колхознинг илғор сут соғувчиси Матлуба Султонова ҳам бор. У ўтган йил ўзига қарашли ҳар бир сигирдан 3407 килограммдан сут соғиб олди.

Оржоникидзе районидаги Сталин номли колхознинг қорамолчилик фермасида ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сут миқдори 2364 килограммга етказилган бўлса, айрим сут соғувчилар бундан ҳам катта кўрсаткичларга эришдилар. Шунинг учун колхоз ферма мудири Сойб Гемалиддинов ва илғор сут соғувчи Дилбар Саҳоби-нова ва ўртоқлар ҳам экскурсияга юборишга лойиқ топилдилар.

Қорасув районидаги Свердлов номли колхознинг сут соғувчиларидан З. Муҳиддинова, С. Гемадиддинова, ферма мудири Е. Юсупов, механик Х. Нурматов, Ворошилов номли колхоздан Е. Шемакин, Максим Горький номли колхоздан Г. Иброҳимов ва М. Иброҳимова, Ўртасарой районидаги «Поляная звезда», «Северний маяк», Молотов номли, Ленин номли колхозларнинг ҳам бир қатор илғор чорвадорлари виставкага бориш шарафига сазовор бўлдилар.

«Узбексельэнерго» Калинин район бўлимининг ходимлари чорвачиликни механизациялаштиришда анча намунали ишларни қилдилар. Бу ишда бўлимнинг айниқса зўр маҳорат кўрсатган ходимларидан У. Раҳматуллаева, Т. Турсунбоев ва бошқа ўртоқлар ҳам колхозчилар билан бир қаторда виставкага жўнаб кетдилар.

Арман маданиятининг байрами

Арманистоннинг кўп асрли қадимги маданияти бизнинг совет замонамизда олга қараб ғоят тез ва катта қадам ташлади, халқ ўз тақдирининг хўжайини бўлиб олди, бахтиёр ва қувноқ ҳаёт кечира бошлади. У, ўтмишдаги классик санъат ёдгорликларини эҳтиёт сақлаб, рус халқининг оғалик ёрдами билан шаклан миллий, мазмунан социалистик янги, гўзал маданият яратмоқда.

Арманистоннинг талантли фарзандлари 1 июнда Москвадаги энг яхши театрлар, концерт залларида ўз маҳоратларини намойиш қилдилар.

Арман санъати ва адабиёти декадаси очилди. Декада қатнашчилари Арманистон ССР ёзувчилари, композиторлари, актёрлари, музикачилари, рассомлари, скульпторларининг социалистик Ватан шарафига ижод қилган энг яхши асарларини Москва томошабинига кўрсатмоқда.

Большой театр, унинг машҳур саҳнаси Арманистон ашулачилари ва музикачилари ихтиёрига берилган.

СССР Большой театрининг директори М. Чулаки декада қатнашчиларини самимий табриклади.

Арманистон ССР халқ артисти В. Вартанян жавоб нутқи сўзлаб, дўстона самимий қабул қилганликлари учун москваликларга ташаккур изҳор этди.

А. Спендиаров номидаги Давлат опера ва балет театри артистларининг ижросида композитор А. Тигранянинг «Довудбек» операси бошланади. Бу операда арман халқининг ўз давлат мустақиллиги ва эркинлиги учун, унинг рус халқи билан дўст яшаш учун олиб борган кураши ҳикоя қилинади. Операнинг асосий қаҳрамони халқдир.

Бош ролларни Арманистон ССР да хизмат кўрсатган артист Н. Ованесян (Довудбек), Арманистон ССР да хизмат кўрсатган артист Ф. Оганян (Шаумян), Арманистон ССР халқ артисткаси Т. Сазандарян (Тамар), Арманистон ССР да хизмат кўрсатган артист А. Петросян (Сантур), Арманистон ССР халқ артисти Д. Погосян (Мелик) ва бошқалар ижро этди. Операга Арманистон ССР халқ артисти М. Тавризиан дирижёрлик қилди. Асарни режиссёрлардан Арманистон ССР халқ артисти В. Аджемян билан Арманистон ССРда хизмат кўрсатган артистка Г. Мелкумян саҳнага қўйган. Хормейстр — Арманистон ССР да хизмат кўрсатган артист К. Карапетян. Спектаклни Арманистон халқ рассоми М. Сарьян ва рассомлар Х. Есаян ва А. Мирзоянлар безаган.

Операнинг қаҳрамонлик мазмуни, унинг оҳангдорлиги ва музикасининг тили халқ ҳаволарига яқин бўлганлигидан у катта муваффақият қозонди. Залда тез-тез қарсаклар бўлиб турди.

Спектаклда Н. А. Булганин, К. Е. Ворошилов, Л. М. Каганович, А. И. Кириченко, Г. М. Маленков, А. И. Микоян, В. М. Молотов, М. Г. Первухин, М. А. Суслов, Н. С. Хрушчев, СССР Маданият министри Н. А. Михайлов ўртоқлар ҳозир бўлдилар.

Спектаклда Арманистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретарлари С. А. Товмосян, Г. Х. Маргарян, Б. Е. Саркисов, Арманистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Ш. М. Арушанян, Арманистон ССР Министрлар Советининг раиси А. Е. Кочинян, Арманистон ССР Маданият министри А. Ҳ. Шагинян ўртоқлар бор эди.

* * *

Шу куни кечқурун Арманистон драма театрларининг коллективлари ҳам ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. МХАТ филиалининг саҳнасида С. Суқдунян номидаги энг кекса давлат драма театри В. Папазяннинг «Қоя» номли пьесасини кўрсатди. Бу театр илгари гастролга келганда москваликлар бу спектакль билан танишган эдилар.

Томошабинлар Арманистон ССР халқ артистлари О. Гулюзян, Г. Жанибекян ва А. Аветисянларни, Арманистон ССРда хизмат кўрсатган артист Г. Хажакянни ва бошқа актёрларни қизғин олқишладилар. Томошабинлар Арманистон ССР халқ артисти В. Аджомяннинг асарини саҳнага қўйишдаги маҳоратига ҳам катта баҳо бердилар.

* * *

А. Мравян номидаги Ленинакан давлат арман драма театри Н. Зарянянинг «Тажриба даласи» номли ҳозирги замон темасида ёзилган комедиясини кўрсатди. Спектакль қўйилган марказий балалар театри радиоластирилган эди. Спектакль давомида пьеса тексти рус тилига таржима қилиб турилди.

К. С. Станиславский номидагиАрманистон ССР рус драма театрининг артистлари декада очилган кунда «Номус учун» спектаклини кўрсатдилар. Бу асарнинг автори отоқли арман драматурги А. Ширванзодадир.

Арманистон ССР халқ артисти Татул Алтуниян раҳбарлигидаги арман халқ ашула ва ракс ансамбли Чайковский номидаги залда катта программада концерт қўйиб берди. Арман миллий ашулалари, шунингдек рус, украин, озарбайжон ашулаларининг ижроси катта муваффақият қозонди. Томошабинлар рақсларни самимий олқишладилар (Балетмейстер Арманистон ССР да хизмат кўрсатган артист Эдуард Манукян).

Жуда кўп симфоник музика ҳаваскорлари Арманистон филармонияси оркестрининг концертини эшитиш учун консерваториянинг катта залига келдилар. Арманистон ССР халқ артисти Михаил Малунцян бошчилигида бу оркестр Арам Хачатурян, Эдуард Мирзоян, Лазарь Сарьян, Арно Бабажанянларнинг асарларини ижро этди. Композитор Арно Бабажанян солистлик қилди.

Эстрада оркестри Арманистон ССР да хизмат кўрсатган санъат арбоби, шу оркестрнинг асосчиси Артемий Айвазяннинг бадиий раҳбарлигида Бауман номидаги боғнинг ёзлик театрида концерт берди.

Пойтахт санъат усталари ва томошабинлари театр ва концерт залларида қардош Арманистон артистларини қизғин табриклдилар. (ТАСС).

Олмаота—Фрунзе—Тошкент радио реле алоқа линияси

ОЛМАОТА, 1 июнь (ТАСС). Олмоата — Фрунзе — Тошкент радио реле алоқа линияси қурилабошланди. Заили Олотовининг Қурдай довонида бу линиянинг техника биноси қурилмоқда. Бинода аппарат зали ва антенна асбоблари бўлади. Олмаотада радио реле станцияси монтаж қилинмоқда.

Бу линия 24 та канал бўйлаб телефон орқали сўзлашиш имкониятини бериши билан бирга, келгусида Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон пойтахтлари ўртасида телевизион программаларни олмашиб туриш имкониятини ҳам беради.

Олмаота — Фрунзе — Тошкент янги радио реле алоқа линияси шу йил ишга туширилиши лозим.

ОЛТИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ҚУРИЛИШЛАРИДА

Катта Оҳангаронда

Қурама тоғи чўққисидан мўралаган қуёш нури кенг майдондаги кўм-кўк майса устида, икки қаватли йигма уйларнинг томида, бинолар олдида уйилиб ётган тахталар, пайрахалар устида товланмоқда. Қиргоқларида қамиш ўсган чуқур ариқда оқаётган тиниқ сувнинг шилдир-шилдири, пастаккина, ўт шохига қўниб, сайраётган заргалдоқнинг чулдир-чулдири, гулдан-гулга қўнаётган ҳар хил рангдаги капалакларнинг сайроғи кишига завқ бағишлайди. Тўшини оқтобга тоблаб, бошини йиртиқ чойшабга ўраб олган Чатқол тоғнинг вазмин гавдаси водига савлат тўкиб турибди. Бу ердан Аппартак разрезининг қурилиш жойи. Социалистик шаҳарга, ГРЭС, подземгаз қурилишлар ҳамда водининг бошқа жойлари яққол кўриб турибди. Худди мана шу бахзво ерда Катта Оҳангарон шаҳри барпо этилади.

Бу ерга комсомол путёвкаси билан келиб, палаткалардан иборат ёшлар шаҳарчасида истиқомат қилиб турган ёш бинокорлар машиналарда етиб келдилар. Уларни смена бошлиқлари, бригадирлар ва кекса бинокорлар кутиб олдилар.

Ёшлар гўё азалдан шу ерда ишлаб юрган кекса бинокорлардай меҳнат қучоғига сингиб кета қолдилар. Улар деворларга дранка қоқиш, сувоқ қилиш, йигма уйнинг қисмларини кўтарма кран орқали юқорига кўтариш ва уни монтаж қилиш, янги бинонинг фундаментига бетон қуйиш ва унинг устига плиткалар ётқизиш ишларида — хуллас қурилишнинг ҳамма участкаларида актив иштирок этмоқдалар.

Одамнинг қўли гул. Яна 10 йилдан сўнг мана шу бўшликда чиройли шаҳар вужудга келади. Гулзорга айланган проспектлар, истироҳат боғлари, кўллар, кинотеатрлар, мактаблар, медицина ва маданий муассасалар шаҳар аҳолиси хизматида бўлади. Шунда мана шу ёшлар «Бу шаҳарни ўз қўлимиз билан қурганмиз» деб фахрланадилар.

Биз танаффус вақтида ёшлар билан суҳбатлашдик.

— Ячги жой ҳақида қандай фикрдасиз? — деб сўрадик суҳбатдошимиз Тамара Алешкинадан.

— Янги жой, — деди у, — эндиликда ўзимизнинг жонажон шаҳаримизга айланиб қолди. Биз асосий вазифамизга киришдик. Шубҳасиз, бу ерга келмасдан илгари тасаввуларимиз бошқача эди. Ер тўлада ётармиз, балки катта қийинчиликларни бошимиздан кечирармиз, деб ўйлаган эдик. Аммо шаҳар аҳолиси бизнинг тўғримизда доимо ғамхўрлик қилмоқда. Балки қийинчиликлар иш даврида содир бўлар, аммо бу қийинчиликлар бизни чўчита олмайди. Биз, ёшлар, бу ерга ҳар қандай қийинчиликларни енгиб, КПСС XX съезди қарорларини бажариш учун келганмиз. Бизларни эндиликда оҳангаронлик деб ҳисоблай берингглар.

Бу фикрни Тамаранинг дугоналари Лидия Черняева, Светлана Ткачук ҳам тасдиқладилар. Улар Андижон областининг Избоскан районидан келганлар.

Наманганлик Тамара Зуйкина ўзи тўғрисида қуйидагиларни ҳикоя қилди:

— Мен Наманган шаҳридаги Куйбишев номли ҳунармандчилик артелида моториста бўлиб ишлардим. Оҳангарон комсомолларининг республикамиздаги барча комсомол-ёшларга қаратиб эзган Чақириғи менга ҳам ғайрат бағишлади. Олтинчи беш йилликда Оҳангаронинг аҳамияти шу қадар катта экан — менинг жойим шу ерда бўлиши керак, дедим. Шаҳар комсомол комитети менинг илтимосимни қондирди. Қурилишда, қаерда фойдам кўпроқ тегса, шу ерда ишлашга тайёрман.

Ишдан кейин биз ёшларнинг турмуш шароити билан танишиш мақсадида ёшлар шаҳарчасига келдик. Шаҳарча қалин боғ орқасига жойлашган бўлиб, ёшларнинг ёзги лагерини эслатарди. Палаткалар уч қатор жойлаштирилган. Ҳар битта палаткага кроватлар қўйилган. Ҳар бир киши юмшоқ ўрин-тўшак ва тумбочка билан таъминланган. Шаҳарчадаги ёшларга магазин, ошхона, амбулатория, радиоузел, почта, танца, спорт майдончалари ва бошқа маданий-маиший муассасалар хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари шаҳарчанинг ёнига ёзги клуб қурилмоқда. Клуб саҳнасида ҳар куни пулсиз кино ва бадиий ҳаваскорлар ижросида концерт кўрсатилади.

28 май куни яна бир группа ёшлар келиб, шаҳарчадаги палаткаларни тўлдиридилар. Партия иродаси ва ёшларнинг ғайрат-шижоати билан Катта Оҳангарон энг гўзал саноат шаҳарига айланади.

А. УБАЙДУЛЛАЕВ.

Суратда: 3-қурилиш бошқармаси комсомол ташкилотининг секретари Ўртоқ **Равил Боймитов** (чапда) Катта Оҳангарон қурилишига келган ёшларни табриклмоқда.

Р. Раҳимова фотоси.

М. И. Калинин коммунистик тарбия тўғрисида

(М. И. Калинин вафотига 10 йил тўлиши муносабати билан).

Коммунистик партия ва Совет давлатининг отоқли арбоби, коммунизм иши учун оташин курашчи—Михаил Иванович Калинин вафот этган кунга бугун 10 йил тўлди.

Халқнинг содиқ фарзанди, В. И. Ленининг шогирди ва сафдоши бўлган М. И. Калинин ўзининг бутун ҳаётини Ватан бахт-саодати йўлида хизмат қилишга, социалистик давлатнинг куч-қудратини оширишга, мамлакатимизда коммунистик жамият қуришдек буюк ишга сарфлади.

Михаил Иванович Калинин меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш масалаларига катта эътибор берди.

Бизнинг мамлакатимизда, шунингдек халқ демократияси мамлакатларида ҳам халқ оммасини коммунистик руҳда тарбиялаш ғоят муҳим сафарбар этувчилик ва уюштирувчилик аҳамиятига эга бўлган ишдир.

Янги маънавий қиёфага эга бўлган кишиларнинг ўсиб етишганлиги, ўз олижаноб фазилатларини бутун жаҳонга намойиш қилиб кўрсатган совет кишисининг ўсиб етишганлиги совет социалистик тузуми эришган буюк галаба бўлди.

Мамлакатимизда амалга оширилган чуқур революцион ўзгаришлар совет кишиларининг маънавий ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди. Коммунистик партия совет кишиларини коммунизм ишига чексиз содиқ бўлиш, социалистик Ватанни астойдил севиш, ижтимоий бурчни англаш, коллективчи ва чинакам инсонпарвар бўлиш руҳида тарбиялаб ўстирди.

Бироқ бизда ҳали айрим қолоқ кишилар ҳам бор. Улар ўзларининг арзимас шахсий манфаатларини ҳамма нарсадан юқори қўйишга, «давлатга, жамиятга озроқ бериб, ўзларига кўпроқ олиш қолишга» интиладилар. Бизда меҳнатга бепарво қарайдиган, социалистик мулк тўғрисида ўйламайдиган, социалистик жамиятда яшаш қоидаларини бузадиган кишилар, ҳатто муттаҳамлар, юлғучлар, жамоат мулкини талон-торож қилувчилар ҳам учраб туради.

Айрим кишилар онгида сақланиб келаётган капитализм сарқитларига қарши тинмай кураш олиб бориш, меҳнаткашларимизни юксак маънавий фазилат эгалари қилиб тарбиялаш бутун совет жамоатчилигининг энг муҳим вазифасидир. Коммунистик тарбия коммунизм қуриш ишининг ажралмас таркибий қисмидир.

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш масалалари партия XX съезди томонидан совет халқи олдига қўйилган улуғвор вазифаларни амалга ошириш ишида айниқса муҳим роль ўйнайди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX съезди совет ёшлари ва барча меҳнаткашларни меҳнатга ва ижтимоий мулкка социалистик муносабатда бўлиш руҳида, марксизм-ленинизмнинг улуғ идеялари руҳида тарбиялаш юзасидан актив иш олиб бориш — партия, совет, комсомол ва касаба союз ташкилотларининг энг муҳим вазифаси деб кўрсатди.

Ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашдек ана шу олижаноб ишда коммунистик тарбия тўғрисида М. И. Калинин айтган фикрлар ғоят қимматлидир.

Михаил Иванович Калинин илмий коммунизмни пропаганда қилиш соҳасида жуда катта тажриба ортдирган эди. У илмий коммунизмни ишчи тўғаракларида большевизм энди вужудга келаётган вақтданоқ бошлаган эди. М. И. Калинин агитация ва пропаганда ишининг барча формалари ва усулларини яхши билар, ишчи билан ҳам, деҳқон билан ҳам, интеллигент билан ҳам бирдек тушунарли қилиб суҳбатлаша олар, марксизм-ленинизмнинг енгилмас кучига қаттиқ ишонч ҳосил қила оладиган ҳамда тингловчининг қалбидан чуқур ўрин эгаллайдиган ҳаққоний сўзларни топа олар эди.

М. И. Калинин ўз мақолаларида ва докладларида коммунистик тарбия ҳар доим аниқ бўлмоғи керакликини ўқдириб кўрсатар эди. Коммунистик тарбия партия ва совет давлати олдида турган вазифаларни бажаришга, ҳозирги куннинг конкрет масалалари билан қўшиб олиб боришга қаратилмоғи керак, дерди у. «Одамлар коммунизм тўғрисида гапирганларида, — деган эди М. И. Калинин, — коммунизмни маҳсулот сифати масаласи каби энг муҳим масалалар билан конкрет равишда ва аниқ қилиб боғламасдан гапирар эканлар, бу — сувдан талқон қилиш билан баббаравар бўлади» («Коммунистик тарбия тўғрисида», 16- бет).

М. И. Калинин совет кишиларининг социалистик ва коммунистик жамиятни биринчи бўлиб қуришдек бахтга муяссар бўлганликлари тўғрисида зўр қувонч билан ёзган эди.

Кураш қарорати, ижод қилиш, янги жамият барпо этишдек зўр фароғат, улуғвор коммунизм қурилиши перспективаларини англаш — қаҳрамонликка, зафарларга илҳомлантиради!

М. И. Калининнинг бу сўзлари ҳозир айтилган сўзлардек жаранглаб эшитилмоқда. Ўз Ватанини жондан севган шонли Совет ёшлари Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг шарқий ва шимолий районларда, шунингдек Донбассда олиб борилаётган янги қурилишларга бориб ишлаш тўғрисидаги чақириғига якдиллик билан жавоб бермоқдалар. Минглаб йигит ва қизлар ўз она юртларини яна ҳам бойроқ ва гўзалроқ қилишни истаб, Узоқ Шарқдаги, Сибирдаги, Донбассдаги янги қурилишларга комсомол путевкалари билан жўнаб кетмоқдалар.

Оммани коммунистик руҳда тарбиялаш ишида, деб кўрсатган эди М. И. Калинин, уни коммунизм ғалабасига чуқур ишонтира олиш, илмий коммунизм принциплари ҳаққоний ва гўзал эканлигига ишонтира олиш жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

М. И. Калинин ёш авлодни тарбиялаш, ўқитиш ва ўргатиш уни коммунистик ахлоқли қилиб тарбиялашдан иборат эканлиги тўғрисидаги ленинча қоидани ривожлантирди, коммунизмни мустаҳкамлаш ва қуриб тугаллаш учун кураш ёш авлодни тарбиялашнинг асоси бўлмоғи керак, деб кўрсатди. Коммунистик тарбия, деди, М. И. Калинин, омманинг сиёсий онглилигини, маданий савиясини ўстириш иши билан мустаҳкам боғлангандир.

М. И. Калинин совет ватанпарварлиги туйғусини ривожлантиришни коммунистик тарбиянинг энг муҳим вазифаси деб билди.

Оммага социалистик тузумнинг капиталистик тузумидан жуда афзал эканлигини чуқур тушунтирмоқ ва уни бу ҳақиқатни тўла англаш руҳида тарбияламоқ зарур.

Капиталистик тузум кишини киши эксплуатация қилишига асослангандир. Жаҳонда ўз ваҳшиёна қонунлари билан йиртқич капитал магнатларига босқинчилик қилиш «эркинлигини» бериб қўйган ҳозирги замон монополистик капитализмидан кўра разил ва пасткаш нарса йўқдир.

Ҳозирги вақтда жаҳон системаси бўлиб қолган социалистик система эса олижаноб инсонпарварликнинг юксак идеалларини рўёбга чиқараётган системадир.

Мамлакатимизнинг барча меҳнаткашларини оташин ватанпарварлик руҳида, социалистик ватанни чексиз севиш руҳида тарбиялаш зарур. Совет кишиларини она Ватанга шундай муҳаббат руҳида тарбиялаш керакки, токи улар Ватан бахт-саодати йўлида зўр фаолият кўрсатиб ғайрат билан меҳнат қилсинлар, бу йўлда учрайдиган қийинчиликлардан ва бериладиган қурбонлардан асло қўрқмайдиган бўлсинлар.

М. И. Калинин меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишнинг аҳамияти тўғрисида зўр эҳтирос билан гапирар эди. Меҳнатни севмоқ керак, — дер эди у. — Меҳнатга виждон билан қараш керак, агар одам ишламасдан яшаётган бўлса, у бировнинг меҳнатини кемираётган бўлади, буни эсда қаттиқ тутмоқ керак. М. И. Калинин меҳнат унумдорлигини ошириш коммунизм қуриш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини кўп марта ўқдириб кўрсатган эди. У, меҳнат унумдорлиги — янги ижтимоий тузумнинг ғалабаси учун оқибат натижада энг муҳим, энг асосий нарса эканлиги тўғрисидаги ленинча қоидани ривожлантирди. «Бизда баъзи бир одамлар, — деган эди М. И. Калинин, — коммунизм тушунчасига конкрет маъно бермасдан, коммунизмни абстракт бир нарса деб қарайдилар. Коммунизм дегани нима? Бу, мумкин қадар кўпроқ, мумкин қадар яхшироқ сифатли маҳсулот бериш демакдир! Шу билан бирга мен, жисмоний меҳнат маҳсулотинигина эмас, ақлий меҳнат маҳсулотини — инженерлар, архитекторлар ёзувчилар, ўқитувчилар, врачлар, артистлар, рассомлар, музикантлар, ашулачилар ва ҳоказоларнинг маҳсулотини ҳам назарда тутаман». (Ўша китоб, 14-15 бетлар).

М. И. Калинин социалистик мулк — умум халқ бойлигига эҳтиёт бўлиб қараш, жамоат мулкини авайлаб сақлаш коммунистик ахлоқ белгиси эканлиги тўғрисида жуда доно гапларни айтган эди. Кишилик тарихида моддий ва маданий бойликларни бизнинг социалистик жамиятимизда бўлганидек эҳтиёт қилиб асрайдиган жамият бўлмаган эди.

Кўп моддий воситаларни ва инсон меҳнатини исроф қилиш капитализм учун характерли нарса бўлиб келди. Капиталистик жамиятда инсоннинг қимматли меҳнати ёвузларча кўплаб нес-нобуд қилиб юборилади.

Социалистик жамиятда эса ишлаб чиқарувчи кучлардан барча меҳнаткашлар манфаатини кўзлаб, мамлакат хўжалигини ва маданиятини янада ривожлантириш манфаатларини кўзлаб, мақсадга энг кўп мувофиқ равишда фойдаланилади. Тузумизнинг моҳиятидан ва даҳлсиз негизи бўлган социалистик мулкни асраш ва қўриқлаш ҳар бир совет гражданининг бурчидир.

М. И. Калининнинг коллективчилик масаласига доир фикрлари ҳам жуда катта тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Кишиларни халқ манфаатига, коллектив манфаатига коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш—бизнинг олижаноб вазифамиздир. Умумхалқ манфаатлари ҳамма нарсадан юқори қилиб қўйилмоғи лозим. Биз, деган эди М. И. Калинин, коллективчиликни ишлаб чиқаришга, турмушга сингдиришимиз лозим, коллективчилик ўз одатларимиз, хатти-ҳаракатларимизнинг ажралмас қисми бўлиб қолсин учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтиришимиз лозим.

Ҳар бир совет граждани социалистик жамиятда яшаш қоидаларига риоя қилмоғи, оилада, турмушда, ўртоқлар билан муносабатда юксак коммунистик ахлоқли бўлмоқлари лозим.

Бизнинг коммунистик ахлоқимиз майда буржуача ҳаёсизликни, ғоясизликни ва қалбакиликни қатъий равишда қоралайди.

Ғоявий ҳаёт, — деган эди М. И. Калинин, — энг катта ва энг мароқли ҳаётдир. Катта мазмунли турмуш қуриб яшаш эса коммунизм юксак идеалларини рўёбга чиқариш учун яшаш, халқ манфаатларини, улуғ Коммунистик партия манфаатларини кўзлаб яшаш демакдир.

М. И. Калинин коммунистик тарбиянинг асоси марксизм-ленинизм эканлиги тўғрисидаги қоидани ҳам зўр куч билан ривожлантирди.

Коммунистик дунё қараш бизга ҳар бир масалага билиб қараш, ҳар бир ҳодисага тўғри ёндошиш имкониятини беради. Бироқ марксизмни ўрганиш, деган эди Калинин, марксизмнинг бу ёки у қоидасини ёдлаб олишни билдирмайди. Марксизм-ленинизм — энг жонли, энг ижодий назариядир. Марксизм-ленинизмни чинакам эгаллаб олмоқ — энг кўп турли, ўзига хос, мисли-сиз янги шароитларда марксизм-ленинизмни тадбиқ эта билиш демакдир. Марксизм-ленинизмни чинакам эгаллаб олмоқ — назарини турмуш билан қўшиш, кундалик ишни назария билан боғлаш, ижодкор бўлиш, ўзига топширилган ҳар бир ишга астойдил муносабатда бўлиш демакдир. Марксизм-ленинизмни чинакам эгаллаб олган киши ўзи бажараётган иш оддий бўлса ҳам, доим фикр қилиши, ўрганиши, ижод қилиши зарур. Марксизм қуруқ фикрлашни, бирёқламаликни, ноизиқликни қатъий равишда инкор қилади. Ҳаёт воқеаларини чуқур ўрганиш натижасида марксизм тинмай бойиб боради.

Катта ва бой мазмунли ҳаёт қуриб яшашга интилган ҳар бир киши марксизм-ленинизмни чуқур эгаллаб олмоғи лозим.

Михаил Иванович Калинин партиямиз ва давлатимизнинг халқимиз ғоят ҳурмат қилган ва севган йирик арбоби эди.

В. И. Ленин Калининни ўз назарий билимларини бой турмуш тажрибаси билан қўша олган, ўз сиймосида ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқини мужассамлантирган сиёсий арбоб, деб баҳолади.

Коммунизмнинг улуғ иши учун тинмай кураш олиб борган оташин жангчининг порлоқ хотираси совет кишилари қалбида абадий сақланади.

профессор **М. ЛУЦКИЙ.**

Бекобод район пиллачиларининг муваффақияти

Бекобод район колхозларининг пиллачилари КПСС XX съезди Директиваларини амалга ошириб, давлат пилла тайёрлаш планини муддатидан илгари, 31 майда бажардилар. Бу йил район колхозларида қурт боқиш ишлари анча яхши уюштирилиб, пилла ҳосили оширилди. Район бўйича ҳар қути уругдан 57 килограммдан, яъни 1955 йилга нисбатан 4 килограммдан ортиқ пилла олиниб, пилланинг ялпи ҳосили ўтган йилга нисбатан 116 центнер ошди.

Пилладан мўл ҳосил етиштириш ва давлат планини муддатидан олдин бажаришда қуртни жадал методлар билан боқиш катта роль ўйнади.

Бекобод район колхозлари ипакчиликдан ҳар йили катта даромад олиб келаётирлар. Дзержинский номли колхоз (раиси ўртоқ Шукуралиев) бу йил ипакчиликдан 700 минг сўмдан кўпроқ даромад олди. Бу колхозга ҳар бир қути уруг пилласи ўрта ҳисобда 3 минг сўмдан даромад келтирди. Колхоз давлатга 19 тонна ўрнига 21 тонна 206 килограмм пилла топшириб, планни 110,5 процент бажарди.

Районда пилла тайёрлаш планини биринчи бўлиб бажарган Ленин номли колхозда (раиси Мирзаев, партия ташкилотининг секретари Аҳмедов ўртоқлар) пилла ҳосили янада мўл бўлди. Натижада бу колхозда ҳар қути уруг даромади 3,5 минг сўмга етди. Колхозда бу йил қуртнинг оқ пилла ўрайдиган зоти тутилган эди. Бу зот жуда серҳосил бўлиб чиқди. Ҳар қути уругдан пландаги 58 килограмм ўрнига 70 килограммдан ортиқ пилла олиниб, колхоз пилла топшириш планини 121 процентга етказиб бажарди.

Шунга ўхшаш «Большевик» колхози ипакчилари ҳам пландаги 10 тонна 600 килограмм ўрнига 11 тонна 310 килограмм пилла топшқрдилар. Энгельс номли колхоз пилла тайёрлаш планини 116,8 процент, Маленков номли колхоз 122,9 процент адо этдилар.

Қурт боқишни намунали уюштиришда, илғор агротехникани тўғри қўлланиб, пилла ҳосилини оширишда Ленин номли колхознинг звено бошлиғи ўртоқ Хайнисо Мирзаева, айниқса катта ютуқларга эришди. Бу илғор пиллачи бошлиқ бўлган звено аъзолари ўзлари боққан 3 қути уруг қуртдан давлатга 174 килограмм пилла топширишлари керак эди. Звено аъзолари ғоят уюшқоқлик ва маҳорат билан меҳнат қилиб, ҳар қути уругдан 110 килограммдан ҳосил олиб, давлатга 330 килограмм пилла топширдилар. Шу колхознинг ўртоқ Зебинисо Умарова бошлиқ звено аъзолари ҳам ҳар қути уругдан 109 килограммдан, Дзержинский номли колхознинг ўртоқ Бувихалча Алиматова бошлиқ звено аъзолари 120 килограммдан, Ойижон Эшматова звеносида 100 килограммдан пилла етиштирилди. Шу хилда, пилла тайёрлаш планини анча ошириб бажарган звеноларни бошқа колхозларда ҳам кўрамиз.

Бекобод район колхозлари пиллачиларининг пилла етиштиришда эришган ютуқларининг асосий сабаби шуки, бу йил ҳамма колхозларда қурт тутишга барвақт пухта тайёргарлик кўрилди. Ҳар бир МТС зонаси бўйича қурт очиришнинг қулай муддатлари тўғри белгиланди. Қуртларни нобуд қилмаслик, касаллик ва зараркунандалардан сақлаш тадбирлари кўрилди. Барг фондидан тўғри фойдаланиб, қуртларга ёдириладиган барглар агротехника қоидаларига қатъий риоя қилинган ҳолда тайёрланди. Меҳнатни звено формасида ташкил этиш принципари тўла амалга оширилди. Қурт боқишда илғор методлар кенг қўлланилиб, моҳир пиллачиларнинг тажрибаси ўз вақтида оммалаштирилди. Пиллачилар ўртасида юз килограммчилик ҳаракати ва социалистик мусобақа кучайтирилди.

Қурт боқиш ишларига агротехника ва ташкилий раҳбарлик кучайтирилди. Бу соҳада колхозларнинг илғор пиллачи агротехниклари зўр маҳорат кўрсатдилар. Дзержинский номли колхознинг агротехниклари Қўшматов, Данабоев, Ленин номли колхознинг агротехниги Тешабоев, Маленков номли колхознинг агротехниги Холмуродов ўртоқлар ўз участкаларидаги барча звеноларнинг тутаётган қуртларининг аҳволидан доим хабардор бўлиб турдилар. Сўнгчакларни кенгайтириш, ғаналарни янгилаш барг кириш, барглар қуритиш ишларини ташкиллаштириш, ҳосилни ўз вақтида ёриш ишларини ҳар бир звенодаги пиллачилар ўз ихтиёрлари остида бажардилар. Шу колхозлар пиллачиларининг ютуқлари ҳаммага ибрат бўлиб, ҳаммага ёрдам бериб, ҳаммадан ўрганиб, ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларини ривожлантирмоқдалар.

Бекобод район колхозларининг пиллачиларининг ютуқлари,

Хавфсизлик Кенгашида

НЬЮ-ЙОРК, 1 июнь, (ТАСС). Кеча Хавфсизлик Кенгашининг икки мажлиси бўлди. Бу мажлисларда БМТ бош секретарининг Хавфсизлик Кенгашининг 1956 йил 4 апрелдаги резолюциясига мувофиқ Яқин Шарққа қилган сафари натижалари тўғрисида унинг докладини муҳокама қилиш давом этди. Хавфсизлик Кенгаши бу масала юзасидан Англия тақдим этган резолюция проектини ҳам муҳокама қилмоқда.

Хавфсизлик Кенгаши мажлисларида Миср, Сурия, Иордания, Ливан ва Исроил вакиллари қатнашдилар.

Мажлисда биринчи бўлиб Югославия вакили сифатида Кенгаш раиси Брилей гапирди. У, ҳозирги вақтда Фаластин проблемасини ҳал қилишга «янгича қараш борлиги сезилаётир», бундай янгича қараш 4 апрелда Хавфсизлик Кенгашида резолюция қабул қилинган вақтда бошланган эди, деб ўқтириб ўтди.

Брилей БМТ бош секретарининг Яқин Шарққа қилган сафари натижаларига ижобий баҳо берди. Югославия вакилининг фикрича, муҳокама қилинаётган масала юзасидан резолюция проектининг Кенгашдаги ҳамма аъзолар учун ва дастлаввал манфаатдор томонлар — араб мамлакатлари ва Исроил учун мақбул бўлишига ҳаракат қилиш керак.

Сўнгра манфаатдор томонлар — Сурия, Исроил, Миср, Иордания ва Ливан вакиллари сўзга чиқдилар.

Исроил вакили Англия тақдим этган резолюция проектини қўллаб-қувватлади.

Араб мамлакатлари — Сурия, Миср, Иордания ва Ливан вакиллари Англия резолюция проектини танқид қилдилар. Уларнинг фикрича, резолюция проекти анча изоҳлаб беришни ва ўзгартиришни талаб қилади. Жумладан, араб мамлакатларининг вакиллари Хавфсизлик Кенгашининг эътиборини шу нарсага жалб қилдилар, резолюция проектининг охирги моддаси, яъни БМТ бош секретарига манфаатдор томонларга «холис хизмат кўрсатишни» давом эттириш таклиф қилинган моддаси унчалик аниқ эмас ва изоҳлаб беришни ҳамда конкретлаштиришни талаб қилади. Араб мамлакатлари вакилларининг фикрича, бу моддада, БМТ бош секретарининг «холис хизматлари» Хавфсизлик Кенгашининг 4 апрелдаги резолюциясида баён қилинган ваколотлар доирасидан четга чиқмаслиги лозим, деб аниқ-равшан айтилиши лозим.

Хавфсизлик Кенгашининг мажлисида Совет Иттифоқи вакили А. А. Соболев сўзлади.

— Биз мамнуният билан қайд қилиб ўта оламизки, деди у, бош секретарнинг Яқин Шарққа қилган сафари отишмани тўхтатиш ҳақида келишишга сабаб бўлди. Яраш битимини имзолаган давлатлар ҳукуматларининг яраш битимига риоя қилишга интилаётганликлари тўғрисида бош секретарни ишонтириб айтган ваъдалари ҳам катта аҳамиятга эгадир.

А. А. Соболев яраш тўғрисидаги битимга тўла риоя қилишнинг тикланиши Фаластин районидаги мавжуд кескинликни юмшатишда фақат биринчи босқич эканлигини, масалани Фаластинга доир бутун проблемани мустаҳкам ҳал қиладиган йўлдан олиб бориш зарурлигини айтиб, бундай деди:

Мутлақо равшанки, БМТнинг Фаластин районида тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларининг муваффақияти ана шу тадбирларни амалга оширишда манфаатдор томонларнинг ҳамкорлик қилишига боғлиқдир. Ана шунинг учун Хавфсизлик Кенгаши буни алоҳида уқтириб ўтса ва томонларни яраш тўғрисидаги битимини ва бирлашган Миллатлар ташкилотининг тегишли қарорларини бузадиган ҳарактерлардан тийилишга чақирса жуда тўғри бўлур эди. Биз, манфаатдор томонлар пайдо бўлаётган масалаларни ҳал этишга тинчлик ишини сақлаш ва мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан қарайдилар, деб умид қиламиз.

Бизнинг фикримизча, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бу районда тинчликни таъминлаш тўғрисидаги тадбирларининг эффективлиги БМТ аъзоси бўлган бошқа мамлакатларнинг ва биринчи навбатда Хавфсизлик Кенгаши аъзоларининг араб давлатлари билан Исроил ўртасидаги жанжалли масалаларни тинч йўл билан ҳал этишга эришишда Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ёрдам бериш учун қўлларидан келган ҳамма нарсани қилишларига ҳам боғлиқ бўлади. Совет ҳукуматига келганда, Совет ҳукумати бу соҳада Бирлашган Миллатлар Ташкилотига зарур ёрдамни беришга тайёрдир, у Фаластин районидаги мавжуд кескинликни юмшатиш йўлидаги тадбирлар Яқин Шарқ давлатларининг ҳоҳиш-иродасини назарга олиб ва уларнинг ички ишларига аралашмасдан амалга оширилади, деб кўзда тутади.

А. А. Соболев қайд қилиб ўтдики, Хавфсизлик Кенгашининг қарорларини, шунингдек бу районда тинчликни мустаҳкамлаш соҳасида БМТ амалга оширадиган бошқа тадбирларни тайёрлаш олдидан дастлаввал бу райондаги манфаатдор мамлакатлар билан, шунингдек халқаро тинчликни сақлаш учун астойдил масъулиятни ўз зиммаларига олган Хавфсизлик Кенгаши аъзолари ўртасида батафсил консультациялар ўтказилиши лозим. Афсуски, ҳозирги вақтда БМТ бош секретарининг доклади юзасидан Хавфсизлик Кенгашига тақдим этилган резолюция проектини ишлаб чиқиш олдидан проект авторларининг манфаатдор томонлар вакиллари билан ҳам, шунингдек Хавфсизлик Кенгашининг бир қанча аъзолари билан ҳам биргаликда амалий консультациялар ўтказилмади, гарчи бунинг учун етарли вақт бор эди. Натижада, Диксон жаноблари Хавфсизлик Кенгашида 29 майда сўзлаган нутқида эътибор қилиб ўтганидек, унинг проектидаги бир қанча жумлалар унчалик равшан эмас, уларни аниқлаш зарур бўлиб қолди. Бу ҳол шунга ҳам сабаб бўлдики, Сурия вакили Шукейри бу ерда айтиб ўтганидек, резолюция проекти манфаатдор томонларни қаноатлантирмайди.

Сўнгра совет вакили дедики, Англия делегациясининг резолюция проекти бир қанча муҳим қоидаларни ўз ичига олдики, Совет Иттифоқи делегацияси бу қоидаларга қўшилади. Шу билан бирга, бизнинг фикримизча, резолюция проектининг бир қанча моддалари ҳали ҳам аниқлашни талаб қилади. Даставвал бу — проектнинг резолютив қисмидаги охирги моддасига тааллуқлидир. Бу моддала бош секретарь томонларга «холис хизматлар» кўрсатишни давом эттирсин, деб, таклиф этилади. Англия вакили Диксон жаноблари-нинг 29 майда сўзлаган нутқидан кейин бу моддаснинг мазмуни равшанроқ бўлиб қолди. Унинг изоҳидан биз бу моддани шундай тушунмоқдамизки, БМТ бош секретарининг «холис хизматлар» кўрсатган вақтдаги ваколотлари Хавфсизлик Кенгашининг шу йил 4 апрелдаги резолюцияда баён қилинган ваколотлар доирасида бўлади.

Биз, деди ўз сўзини давом эттириб Соболев, Британия делегациясининг 29 майдаги мажлисда ўз проектига бу резолюция проекти текстини изоҳлаб берган бир қанча тузатишлар киритганлигини мамнуният билан қайд қилиб ўтамиз ва Англия делегацияси Кенгаш мажлисида айтилган истакларни назарга олади деб, шу билан Кенгашда якдиллик билан маъқулланадиган ҳамда манфаатдор томонлар учун мақбул бўлган резолюция проекти ишлаб чиқилади, деб ишонамиз.

Биз масалани шундай маънода тушунаётирмизки, Кенгашнинг бу ерда айтилган консультацияларни давом эттириш учун фурсат талаб қилинади. Бизнинг фикримизча, бундай консультациялар бевосита манфаатдор бўлган томонлар учун мақбул бўлган резолюция проектини ишлаб чиқишга олиб келиши мумкин.

Шу билан Хавфсизлик Кенгашининг кундузги мажлиси тамом бўлди.

ЖУРНАЛИСТЛАР МАРКАЗИЙ УЙИДА МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

СССР Ташқи Ишлар Министрлигининг матбуот бўлими мудири Л. Ф. Ильичев ва ЮФХР Иттифоқ ижроия вечеси информация секретарининг ёрдамчиси А. Шокорац 1 июнда Журналистлар Марказий уйида совет ва чет эл журналистлари учун матбуот конференцияси ўтказилар. Матбуот конференцияси Югославия Федератив Халқ Республикаси Президенти Иосиф Броз Титонинг СССР Олий Совети Президиуми ва Ҳукумати таклифига биноан СССРга расмий визит билан келишига бағишланган эди.

Матбуот вакилларига югославияли меҳмонларнинг Совет Иттифоқида бўлган вақтини қандай ўтказишлари ҳақидаги программа қисқача сўзлаб берилди. Маршал Тито Москвада беш кун бўлганидан кейин мамлакат бўйлаб сафҳат қилмоқчи. У 7 июндан 17 июнгача Ленинградни, Сталинградни, Краснодарни, Новороссийскни, Сочини бориб кўради. Саноат корхоналари, колхозлар, совхозлар ва маданий муассасалар билан танишади, сўнгра президент Тито Москвага қайтиб келади. У ўз юртига қайтиб боришда Киевда бўлади. ЮФХР президенти Иосиф Броз Тито ўз визити вақтида Совет ҳукумати раҳбарлари билан суҳбат қилади.

Л. Ф. Ильичев совет ва чет эл мухбирларини президент Титони Москвада кутиб олиш маросимида ҳозир бўлишга таклиф этди. Кутиб олиш маросими 2 июнда тушдан кейин Киев вокзалида бўлади.

Сўнгра ЮФХР Иттифоқ ижроия вечеси информация секретарининг ёрдамчиси А. Шокорац сўзлади. У совет ва чет эл матбуоти вакилларига президент Иосиф Броз Титонинг СССРга келиши билан қизиқаётганликлари учун ташаккур изҳор қилди. А. Шокорац, Югославия жамоатчилиги бу визитни қизғин табрикламоқда, деди.

Матбуот конференцияси охирида Л. Ф. Ильичев мухбирларнинг саволларига жавоб берди. (ТАСС).

СОВЕТ САВДО ДЕЛЕГАЦИЯСИ ПОКИСТОНГА КЕЛДИ

КАРАЧИ, 1 июнь (ТАСС). СССР Ташқи Савдо министрининг ўринбосари М. Р. Кузьмин бошчилигида совет савдо делегацияси кеча Карачига келди. Аэропортда совет делегациясини Покистон савдо ва саноат министрлигининг секретари (музокараларда қатнашувчи Покистон делегациясининг бошлиғи) Кароматулло, Покистон савдо министрлигининг ва ташқи ишлар министрлигининг расмий вакиллари, СССР, Хитой Халқ Республикаси ва халқ демократияси мамлакатлари дипломатик ваколатхоналарининг бошлиқлари ва аъзолари ҳамда бошқалар кутиб олдилар.

М. Р. Кузьмин Покистон ва чет эл журналистларининг бўладиган музокаралар тўғрисидаги саволларига жавобан айтдики, совет савдо делегацияси савдо битими тузиш тўғрисида Покистон ҳукумати билан музокаралар олиб бормоқ учун келди, менинг фикримча, бу шартнома ҳар иккала мамлакат ўртасидаги савдо ва иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ишига катта ҳисса бўлиб қўшилур эди.

Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасида қўшимча битим тузилди

ДЕҲЛИ, 1 июнь (ТАСС). Ҳиндистон информация бюросининг хабарига қараганда, кеча Деҳлида Совет Иттифоқидан нефть пармалайдиган 4 миллион 200 минг рупиялик яна бир установка етказиб бериш тўғрисида Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасида қўшимча битим имзоланган.

Шундай қилиб Совет Иттифоқи 1957 йил март ойигача Ҳиндистонга жами 13 миллион 400 минг рупиялик учта пармалаш установкаси етказиб беради.

Цейлон ҳукумати Тунис ва Марокашнинг мустақиллигини таниди

ЛОНДОН, 2 июнь (ТАСС). Рейтер агентлиги мухбирининг Коломбодан берган хабарига қараганда, Цейлон ҳукумати Марокаш билан Тунисни мустақил суверен давлатлар деб расмий равишда таниганлигини билдирган.

Совет полвонлари жаҳон кубогини олдилар

ИСТАМБУЛ, 1 июнь (ТАСС). Кеча Истамбулда классик кураш бўйича жаҳон кубоги учун бўлган мусобақалар тугади. Биринчи ўринни ва жаҳон кубогини Совет Иттифоқи полвонлари командаси олди. Иккинчи ўринга Туркия, учинчи ўринга Болгария командалари чиқди.

Турли вазн категориялари бўйича ўринлар қуйидагича тақсимланди:

Энг енгил вазнда: Эрбаш (Туркия), Барани (Венгрия), Симон (Саар); енгил вазнда: Йилмаз (Туркия), Петров (Болгария) ,Хорват (Руминия);

Ярим енгил вазнда: Сташкевич (СССР), Камбур (Туркия), Нойяк (Венгрия);

Енгил вазнда: В. Росин (СССР), Лехтонен (Финляндия), Доган (Туркия);

Ярим ўрта вазнда: Б. Манеев (СССР), Байрак (Туркия), Рантанен (Финляндия);

Ўрта вазнда: Г. Картозия (СССР), Симич (Югославия), Хесс (ГФР);

Ярим оғир вазнда А. Ткачев (СССР), Сираков (Болгария), Ковач (Венгрия);

Оғир вазнда: И. Коткас (СССР), Қаплан (Туркия), Алишев (Болгария).

Кеча Медҳад пошо стадиони устида етти марта СССР давлат байроғи кўтарилди ва Совет Иттифоқи гимни ижро этилди. Истамбул губернатори ва муниципалитет раиси профессор Гекай мусобақаларни ёпиб, бу хил мусобақалар халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик ўрнатишга ва бутун дунёда тинчлик ўрнатишга ёрдам беради деди.



Янгийўл районидаги Ворошилов номли қишлоқ хўжалик артелида газета витринаси ташкил этилган. Унга газеталарнинг янги сонлари мунтазам равишда қўйиб турилади. Суратда: колхозчи-газетхонлар витрина ёнида.
Р. Шамсиддинов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Осиё мамлакатлари Бирдамлиги Япония комитети делегациясининг аъзоларидан бир группаси Тошкентга келди

Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг таклифига биноан: СССР да меҳмон бўлиб турган Осиё мамлакатлари бирдамлиги Япония комитети маданий миссиясининг аъзоларидан бир группаси Ўзбекистон пойтахтига келди. Группага скульптор Хонго Син бошчилик қилмоқда.

Меҳмонларни аэродромда Тинчликни ҳимоя қилиш Ўзбекистон республика комитетининг раиси, Осиё мамлакатлари бирдамлиги Совет комитетининг аъзоси, СССР халқ артисткаси С. Эшонтўраева, Тинчликни ҳимоя қилиш Ўзбекистон республика комитети раисининг ўринбосари С. С. Черник, Осиё мамлакатлари бирдамлиги Совет комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР фанлар академиясининг вице-президенти С. Ю. Юнусов, Ўзбекистон ССР Маданият министрининг ўринбосари С. Азимов, Чет эллар билан маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамияти правлениесининг раиси Т. Ж. Жўраев, шаҳар жамоатчилигининг вакиллари кутиб олдилар.

Япониядан келган меҳмонларни Ж. Қ. Хўжаев самимий табриклади. У ўз нутқида, Осиё мамлакатлари бирдамлиги Япония комитети делегацияси аъзоларининг Ўзбекистонда бўлиши халқлар ўртасида ҳамжиҳатликнинг яхшиланишига, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ишига, шубҳасиз, ёрдам беради, деб ўқтириб ўтди.

Хонго Син жаноблари жавоб нутқида делегация аъзолари Ўзбекистон ҳаёти билан танишиш имкониятига эга бўлганликларидан ҳурсанд эканлигини айтиб, бундай деди:

Японияннинг жамоат арбоблари Ўзбекистонга келган биринчи кунда — иккинчи июнда Тошкентдаги диққатга сазовор жойларни тамоша қилдилар, Ўзбекистон ССР тарих музейини бориб кўрдилар. Тушдан кейин улар республика Фанлар академияси президиумида бўлдилар ва Ўзбекистоннинг отоқли олимлари билан суҳбатлашдилар.

Осиё мамлакатлари бирдамлиги Япония комитети делегациясининг аъзолари Ўзбекистонда бир неча кун бўладилар.

(ЎзТАГ).

ИНДОНЕЗИЯ МЕҲНАТКАШ ХОТИН-ҚИЗЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

ВЦСПСнинг таклифига биноан, Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Индонезия меҳнаткаш хотин-қизлари делегацияси иккинчи июнда Тошкентга келди.

Плантация ишчилари касаба союзи Марказий раҳбар кенгашининг социал ва иқтисодий масалалар бўйича секретари ва Собси Миллий кенгашининг аъзоси Сатиати Сурасто бошчилигидаги бу делегация билан бирликда Халқаро хотин-қизлар конференциясидаги япон хотин-қизлари делегати Сумико Танабэ ҳам Тошкентга келди.

Тошкент аэродромида меҳмонларни Ўзбекистон пойтахтининг хотин-қиз активлари кутиб олдилар.

Тошкентда меҳмонлар бир неча кун бўладилар. Улар саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарини, маданий-оқартув муассасаларини ва болалар муассасаларини бориб кўрадилар. (ЎзТАГ).

Эшкакли қайиқда сузиш мусобақалари

Тошкент районидаги Қорақамиш кўлида байдарка ва каноэда сузиш спорти бўйича Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари командалари ўртасида 3 кун давом этган Бутуниттифоқ мусобақалари тамом бўлди.

Мусобақалар бир кишилик ва икки кишилик байдарка ва каноэларда ўтказилиб, жуда қизиқарли бўлди.

Уч кун давом этган мусобақалардан сўнг Тожикистон ССР вакиллари 56 очкога эга бўлиб, биринчи ўринни эгалладилар. Ўзбекистон ва Қозоғистон командалари 51 очкодан олдилар. Лекин Қозоғистон спортчилари ўртасида биринчи ўринни олган эшкакли қайиқда сузувчи спортчилар кўп бўлганлиги учун, уларга иккинчи ўрин берилди. Ўзбекистон ССР командаси учинчи ўринни олди.

Мусобақалар натижаси нимани кўрсатди? Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларида эшкакли қайиқда сузиш спорти эндигина ривожланиб келмоқда, чунки илгари физкультура ва спорт комитетлари бундай спортчиларни тайёрлашга эътибор бермас эдилар.

СССР халқлари спартакиадаси бошланишига қисқа вақт қолди. Бу вақт ичида командалар тренерлари эшкакли қайиқда сузувчи спортчиларни, айниқса хотин-қизларни тарбиялашга, уларда эшкакли қайиқда сузиш техникасининг мукаммалашишига катта эътибор беришлари лозим.

Бразилия парламент делегацияси Москвага келди

СССР Олий Советининг таклифига биноан, Бразилия Қўшма Штатлари Миллий конгресси (парламенти) делегацияси 1 июнда Варшавадан Москвага келди.

Делегацияга Сан-Пауло штатидан сайланган депутат Ивете Варгас хоним бошчилик қилмоқда. У депутатлар палатаси ташқи ишлар комиссияси раисининг ўринбосаридир. Делегация составида Бразилиянинг турли штатларидан бўлган яна саккиз депутат: Жетулис Барбоза де Маура, Рихид Салланья Дерри, Эстасис Соуто Майор, Эдиуардо Каталао, Ньютон Карнейро, Лукурго Лейте, Жеронимо Диозуит Розадо, Коараси Гентиль Мэмтейро Нунезлар бор.

Депутатлар билан биргаликда делегациянинг маслаҳатчиси — депутатлар палатасининг секретари Азор Гильнотти, делегация раҳбарининг онаси Кандида Варгас хоним, депутат Эстасис Соуто Майорнинг рафиқаси Клотильда Пикет Соуто Майор хоним ҳам келдилар.

Бразилия ва СССР Давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида меҳмонларни СССР Олий Совети Миллатлар Совети Раисининг Ўринбосари Н. Е. Ахимович, СССР Олий Совети Президиуми Секретарининг Ўринбосари А. Ф. Горкин, СССР Министрлари З. А. Шашков, Ф. Г. Логинов, И. К. Козюля, СССР Олий Совети депутатлари А. Ф. Борисов, А. Ф. Гармашев, Д. Г. Смирнов, Д. Т. Баскаев, И. П. Бойцов, РСФСР Олий Совети Президиуми Секретари И. Н. Зимин, РСФСР Олий Совети депутати Е. И. Леонтьева ва бошқа расмий шахслар, шунингдек Москва меҳнаткашларининг жуда кўп вакиллари, журналистлар кутиб олдилар.

СССР Олий Совети Миллатлар Совети Раисининг Ўринбосари Н. Е. Ахимович Бразилия Қўшма Штатлари Миллий Конгресси вакилларини табриклаб, микрофон олдида бундай деди:

— Мен ишонаманки, сизларнинг келишингиз ва СССР Олий Совети билан Бразилия Миллий Конгресси ўртасида бевосита алоқа ўрнатилиши совет халқининг ҳам, Бразилия халқининг ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга бўлган орзу-истакларига жавоб беради, десам ҳаммамизнинг умумий фикримизни ифода қилган бўламан. Биз учун яхши ниятли визит билан Совет Иттифоқига келган Бразилия парламент делегациясини бугун бу ерда табриклаш айниқса қувончлидир.

Биз сизларни мамлакатимизнинг ва унинг кўпмиллатли халқининг ҳаёти билан саммиият билан таништиришга тайёрмиз. Сизлар Совет Иттифоқида бўлган вақтингизда тинч, ижодий меҳнат билан машғул бўлаётган халқимизнинг барча халқлар билан тинч-тотув ва дўст бўлиб яшашга астойдил интилаётганлигини кўриб ишона оласиз.

Мен шундай деб умид қиламанки, деди ўз сўзининг охирида Ўрток Авхимович, силарнинг Совет Иттифоқига қилган сафарингиз умумий тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамжиҳатликни ва ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам беради.

Хуш келибсиз, ҳурматли меҳмонлар!

Бразилия Миллий Конгресси делегациясининг раҳбари Ивете Варгас хоним жавоб нутқи сўзлади.

— Мен, — деди у, — самимий табрик сўзларингиз учун ўз номимдан ва мамлакатингизга келиб кетиш тўғрисида илтифот билан қилинган таклифни қабул қилган ўз коллегаларим бўлган депутатлар номидан ташаккур изҳор қилишни истайман.

Биз ҳаммамиз бу буюк мамлакатнинг халқи билан яқинроқ танишишни чин қалбдан тилаймиз. Биз унинг кўндаланг бўлаётган масалалар билан ва бу масалаларни қандай ҳал қилаётганлиги билан ҳам яқинроқ танишишни истаймиз. Биз бу халқ қилаётган гоят катта ишлар билан танишишни, ажойиб ва чиройли табиат билан танишишни истаймиз.

Биз ҳар бир халқ тинч вазиятда яшаши ва энг яхши турмуш манфаати йўлида меҳнат қилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Мен, — деди Ивете Варгас хоним, — яна бир марта ўз ташаккуримни изҳор қиламан ва буюк мамлакатингизга келганлигимиз муносабати билан бўлган ҳурсандчилигимни айтишни истайман.

Делегация бошлиғи делегацияни кутиб олиш учун аэродромга келган москвалик хотин-қизларга алоҳида ташаккур изҳор қилди. (ТАСС).

Дания фолькетинги делегацияси Москвадан жўнаб кетди

СССР Олий Советининг таклифига биноан, фолькетинг раиси Г. Педерсен бошчилигида Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Дания фолькетинги делегацияси 1 июнда Москвадан жўнаб кетди.

Делегация Ленинградга ва Ригага боради, у ердан ватанига жўнайди.

Внуково аэродромида меҳмонларни СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси А. П. Волков, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари К. М. Озолинь, СССР Олий Совети Президиуми секретарининг ўринбосари А. Ф. Горкин, СССР Министрлари С. Ф. Антонов, В. П. Елютин, А. К. Кортунов, Н. Д. Псурцев, СССР ва РСФСР Олий Советларининг депутатлари, совет матбуотининг вакиллари кузатиб қўйдилар.

Делегацияни Данияннинг СССРдаги элчиси А. Мёрк ва элчихона ходимлари ҳам кузатиб қўйди.

Аэродром Данияннинг ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган эди.

Дания фолькетинги раиси Г. Педерсен жўнаб кетиш олдидан аэродромда бундай деди:

— Делегация Москвадан жўнаб кетишдан олдин ва ўз саёҳатининг катта қисмини тамомламасдан олдин бизни самимий кутиб олганликлари учун чин кўнгилдан ташаккур айтишни жуда истар эдим.

Биз у чеккасидан — бу чеккасигача актив иш билан шуғулланиб турган жуда улкан мамлакат тўғрисида таассурот олдик. Делегация аъзолари бу ердаги одамлар жуда катта вазифаларни ўз олдиларига қўйганликларини кўрдилар. Бу улуғворлик ўз мамлакатининг хўжайини бўлган миллатнинг характери белгисидир. Делегация бу ерга келган биринчи дақиқаданоқ бизни ниҳоят даражада меҳмондўстлик билан кутиб олдиларки, бу меҳмондўстлик қалбимизга узоқ сақланиб қолади.

Дания журналистлари группаси фолькетинг делегацияси билан бирга жўнаб кетди. (ТАСС).

АРАБ МАТБУОТИ СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИДА ТУТАЁТГАН ПОЗИЦИЯСИДАН МАМНУН ЭКАНЛИГИНИ БИЛДИРМОҚДА

ҚОҲИРА, 1 июнь (ТАСС). Миср матбуоти БМТ бош секретари Хаммаршельднинг Яқин Шарқ мамлакатларига қилган сафари натижалари тўғрисидаги доклади Хавфсизлик Кенгашида муҳокама қилинишини зўр эътибор билан кузатиб бормоқда.

Хавфсизлик Кенгашининг мажлислари тўғрисидаги хабарларга марказий ўрин берилмоқда. Газеталар Хавфсизлик Кенгашидаги совет вакили А. А. Соболев баёнотининг муфассал мазмунини эълон қилиб, Совет Иттифоқининг позициясидан мамнун эканликларини билдирилар.

СУРИЯ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ИОРДАНИЯ КОРОЛИ ЎРТАСИДА АММАНДА ОЛИБ БОРИЛГАН МУЗОКАРАЛАР ТАМОМ БЎЛДИ

БАЙРУТ, 1 июнь (ТАСС). Аммана (Иордания пойтахти) Сурия президенти Шукри Қуатли билан Иордания короли Ҳусайн ўртасида олиб борилган музокаралар тамом бўлди.

Қўшма Иордания-Сурия ҳаҳоротида айтилишича, иккала мамлакат ўртасида ҳарбий битим имзолаш тўғрисида келишилган.

Бир қанча бошқа масалалар, жумладан Сурия билан Иордания ўртасида иқтисодий ва таможня Иттифоқи ҳақида, иккала мамлакатнинг дипломатия ваколотхоналарини элчихоналарга айлантириш, бир мамлакатдан иккинчисига бориш учун визалар беришни бекор қилиш, шунингдек таможня чекларини бекор қилиш юзасидан ҳам келишилган.

ХРОНИКА

СССР Олий Совети Президиуми СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи Ўринбосари Ўрток Вячеслав Михайлович Молотовнинг уни СССР Ташқи ишлар министри вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги илтимосини қондирди.

СССР Олий Совети Президиуми Ўрток Дмитрий Трофимович Шепиловни СССР Ташқи ишлар министри қилиб тайинлади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТР (ёзги бино) — 5/VI да **Алишер Навоий.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 3/VI да кундуз **Эсмеральда,** кечқурун **Травиата,** 5/VI да **Севилья сартароши.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 3/VI да **Фарҳод ва Ширин,** 4/VI да **катта концерт.**

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА», «ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «ИСКРА», (кундуз) — **Мангу қоронғилик сири.**

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН», «ИСКРА», «ХИВА», «УДАРНИК» — **Мангу қоронғилик сири.**

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети 1919 йилдан КПСС аъзоси, «Средазгидроэнергострой» трести бошқарувчисининг ўринбосари

Афанасий Андреевич

КОРОСТИЛЕВНИНГ

оғир ва узоқ давом этган касаллиқдан кейин 1 июнда вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қилади

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг депутати

Афанасий Андреевич

КОРОСТИЛЕВНИНГ

оғир ва узоқ давом этган касаллиқдан кейин 1 июнда вафот этганлигини қайғу билан билдириб, марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136 Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва санъат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р 3533. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1448.